

ENLIGHTENMENT *

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

www.mrifab.com.uz

1931-yildan chiqa boshlagan

2003-yil 12-aprel, shanba

№ 29 (7534)

ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА:

ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ

10 апрел куни Украина Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан Тошкентга келди.

«Дўрмон» кароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Украина рахбарининг яккама-якка сұхбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон—Украина муносабатларига доир масалалар, халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги мулоқотлар мунтазам равишда ташкил этиб келинади. Президентларнинг сұхбати давомида илгари эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилишнинг бориши, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиди.


Ислом Каримов ва Леонид Кучма Ироқда кечаётган воқеалар, Афғонистондаги тикланиш жараёни, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид масалаларни муҳокама қилиб, бу борада икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Айниқса, Афғонистондаги тикланиш ишларида йўлсозлик, кўприксозлик, транспорт каби кўплаб соҳалар вакиллари самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Халқаро аҳамиятга молик қатор

масалаларда Ўзбекистон ва Украина раҳбарларининг қарашлари бир-бирига ҳамоҳанг. Бу сафар Леонид Кучма мамлакатимизга Украина Президенти ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг радиси сифатида келган. Ўзбекистон ва Украина ушбу тузилмани ислоҳ этиш ва ривожлантиришнинг таклиф ва ташабbusлари борасида ҳам доим бир-бирини кўллаб-куватлаб келган. Президентлар сұхбат давомида ҳамдўстлик доирасидаги интеграция жараёнларини жадаллаштириш, хусусан, аъзо мамлакатлар ўртасида кўп томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни кенг ривожлантириш учун Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартномани кучга киритиш масалаларини муҳокама этди.

Шунингдек, «Дўрмон»даги музикаралар чоғида халқаро террорчилик ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилди. Тегишли идоралар ўртасида бу борада ахборот алмашувини янада яхшилаш, уларнинг ҳамжиҳатлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)



Пойтахтимиздаги 110-мактабнинг 5-“А” синф ўқувчилари га рус тили фанидан гарс ўтган Иқлима Ашуррова таҳсилни аввало мазкур тилнинг жозибаси, бу тилда қалам тебратган улуг адиблар хусусида сўзлашдан бошлади. Ўқувчилар рус тилини пухта ўрганганлари боис, муаллима гарсда ўз мақсадига эриши, дейиш мумкин: у “Бор, ўйқ” ўйини орқали “Определить род существительных” мавзусини мустаҳкамлади, магнитофондан “Зима” матнини эшиштириб, ўқувчиларга матнинаги феълларни топтириб ёздириди, кўп феъл топиб ёзган ўқувчиларни ғолиб, деб тонги. И.Ашуррова тайёрлаган кўргазмали қуроллар, саволларга жавобни ўқувчилар стол устидаги жавоблардан ажратиб, маҳ-

сус ишишга ўтишилари, “Қорқизнинг саволлари” оғдий, айни вақтда ўзига хос тажриба деб баҳоланди.

Рус тилидаги мақолларнинг ўзбекча муқобилларини, кодоскодан кўрсатилган “Нет у Пети товарища” номли матнинаги ажратилган сўзларни топа олган фаол ўқувчиларга “Билимдонлиги учун”, “Фаоллиги учун”, “Тиришқоқлиги учун” нишонларини топшириб, ўқувчиларни рағбатлантириди.

Суратда: “Йил ўқитувчиси — 2002” республика кўрик-таплови шитирокчиси, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 3-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани муаллими Иқлима Ашуррова очиқ гарсини мулоқоттарзида олиб бораётни.

Бурхон РИЗО олган сурат.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

komissiyasining navbatdagi yig'ilishida ushbu Komissiya tuzilmalari rahbarlarining o'tgan yarim yil davomida qilingan ishlar haqida axborotlari tinglandi hamda Komissiya va uning tarkibidagi kichik komissiyalar faoliyatini amaliy uzanga yanada izchilroq o'tkazish muhim ekanligiga alohida urg'u berildi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish masalalari qo'mitasining navbatdagi yig'ilishida Oliy Majlisning o'n birinchi sessiyasi kun tartibiga kiritilishi mo'ljallanayotgan masalalar ko'rib chiqilib, ma'qullandi va ushbu yig'ilishda tinglangan O'zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish qo'mitasining 2002 yilda amalga oshirgan ishlari bo'yicha hisobotida nazorat ostidagi 5,6 mingdan ziyod ob'ekt, 51,4 ming ifloslantirish manbalari tekshirilganda ularning 17,2 foizi atrof muhitni belgilangan me'yordan ortiq darajada ifloslantirayotganligi aniqlanganligi, bu boradagi qonun hujjatlari talablarini buzgan 11,9 mingga yaqin mansabdor shaxs va fuqaro ma'muriy javobgarlikka tortilganligi ta'kidlab o'tildi.

OLIY MAJLISDA

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning ikkinchi chaqiriq Oliy Majlisning to'qqizinchi sessiyasidagi ma'rurasida belgilab berilgan vazifalar amalga oshirilishini ta'minlash maqsadida O'zbekistonda demokratik o'zgarishlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatining asoslarini shakllantirish masalalari bo'yicha tuzilgan parlament

ЭСКИСИННИГ ЎРНИГА ЯНГИСИ

2-бет

“СЎЗЛАР ЗАНЖИРИ” ҚАНДАЙ ХОСИЛ ҚИЛИНАДИ?

3-бет

ҚЎШИМЧА МАБЛАГДАН ФОЙДАЛАНСА БЎЛМАЙДИМИ?

4-бет

ШАЙТОНГА БЎЙСУНГАН ЮРАКЛАР

8-9-бетлар

АЛКИМЁГАР

(Роман)

12-бет

АФСУС

(Voqe'a)

16-бет

“ЗАРАФШОН” СКАНВОРДИ

16-бет



KOMISSIYA YIG'ILISHI

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuratorasida Vazirlar Mahkamasi huzuridagi voyaga yetmaganlar ishlari bo'yicha komissiyaning yig'ilishida Andijon, Namangan, Farg'ona viloyatlaridagi mehribonlik uylari, jismoniy va ruhiy rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolalar maxsus muassasalarida ta'lif, sog'liqni saqlash va ijtimoiy ta'minot haqidagi qonun hujjatlarining ijrosi hamda ota-onasi qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalarni aniqlash, ularga ta'lim-tarbiya berishning ahvoliga doir masalalar ko'rib chiqildi.

MAJMUA YIG'ILISHI

Vazirlar Mahkamasi Qurilish, qurilish materiallari sanoati, uy-joy communal xo'jaligi va transport majmuuning 2003 yil birinchi choragi yakunlari bo'yicha ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish, iqtisodiy islohotlarning borishiga bag'ishlangan majlisida Kadrlar tayyorlash milliy dasturida belgilangan vazifalar, xususan, joriy yilning birinchi choragida akademik litseylar, kasbhunar kollejlari qurilishi bo'yicha ko'zda tutilgan tadbirlarning bajarilishiga alohida e'tibor qaratilganligi aytib o'tildi.

ALMASHUV NOTALARI IMZOLANDI

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kunchiqar mamlakatning yurtimizga ko'rsata-yotgan beg'araz moliyaviy ko'magi doirasida amalga oshirilayotgan, umumiy miqdori 292 million yapon iyenini tashkil etadigan Yaponiya hukumatining 2003 molayaviy yilda "Hamshiralara'limi tizimini yaxshilash" loyihasi bo'yicha almashuv notalari imzolandi.

(O'ZA materiallari asosida tayyorlandi)

KOMISSIYA YIG'ILISHI

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuratorasida Vazirlar Mahkamasi huzuridagi voyaga yetmaganlar ishlari bo'yicha komissiyaning yig'ilishida Andijon, Namangan, Farg'ona viloyatlaridagi mehribonlik uylari, jismoniy va ruhiy rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolalar maxsus muassasalarida ta'lif, sog'liqni saqlash va ijtimoiy ta'minot haqidagi qonun hujjatlarining ijrosi hamda ota-onasi qaramog'idan mahrum bo'lgan bolalarni aniqlash, ularga ta'lim-tarbiya berishning ahvoliga doir masalalar ko'rib chiqildi.

MAJMUA YIG'ILISHI

Vazirlar Mahkamasi Qurilish, qurilish materiallari sanoati, uy-joy communal xo'jaligi va transport majmuuning 2003 yil birinchi choragi yakunlari bo'yicha ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish, iqtisodiy islohotlarning borishiga bag'ishlangan majlisida Kadrlar tayyorlash milliy dasturida belgilangan vazifalar, xususan, joriy yilning birinchi choragida akademik litseylar, kasbhunar kollejlari qurilishi bo'yicha ko'zda tutilgan tadbirlarning bajarilishiga alohida e'tibor qaratilganligi aytib o'tildi.

ALMASHUV NOTALARI IMZOLANDI

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kunchiqar mamlakatning yurtimizga ko'rsata-yotgan beg'araz moliyaviy ko'magi doirasida amalga oshirilayotgan, umumiy miqdori 292 million yapon iyenini tashkil etadigan Yaponiya hukumatining 2003 molayaviy yilda "Hamshiralara'limi tizimini yaxshilash" loyihasi bo'yicha almashuv notalari imzolandi.

(O'ZA materiallari asosida tayyorlandi)

ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон-Украина ҳамкорлигига транспорт коммуникациялари алоҳида ўрин тутади. Масалан, мамлакатимиз ўз таъварларини хорижий мамлакатларга Украина портлари орқали юборишидан манфаатдор. Леонид Кучманинг ўтган галги Тошкентга ташрифи чоғида бу масала кўтарилиган ва мутасаддиларга аниқ топшириклар берилган эди. Шунинг натижасида бу борада ижобий ўзгаришилар кўпаймоқда. Суҳбат давомида бундай силжишларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва кўллаб-куватлаб боришига келишиб олинди.

Утрашув якунида бундай икки томонлама мулокотлар ҳамкорликнинг нафакат жорий босқичини таҳлил этиш, балки унинг истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш, муносабатларни кўп томонлама асосда янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлар бўлаётгани таъкидланди. Президент Ислом Ка-

римовнинг Украина раҳбари билан бу галги учрашуви эса, анъанавий дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч, хурмат ва тенглик асосида равнақ топиб бораётган алоқаларимизга янги суръат баҳш этишига ишонч билдирилди.

ТАШРИФ НИХОЯСИГА ЕТДИ

11 апрел куни "Дўрмон" қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Президенти Леонид Кучма ўтрасидаги музокаралар давом этди.

Президентлар Ўзбекистон—Украина муносабатларининг ҳозирги ахволи ва истиқболлари хусусида фикр алмашди. Жумладан, савдо-иқтисодий

ҳамкорлик кўламини ошириш масалаларини муҳокама қилди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 350 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Президентларнинг ташаббуси билан бу кўрсаткини кўтариш учун янги имконият ва кулагилар яратилмоқда. Хусусан, давлатларимиз раҳбарларининг келишувига биноан, кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Украина ҳукуматларо қўшма комиссиясининг таркиби янгиленаб, шу йил январ ойида Киевда унинг мажлиси ўтказилди. Комиссия аъзолари биргаликда муайян масалаларга аниқ ва фойдалари учун янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиди.

"Дўрмон"даги музокаралар чоғида халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорлик масалаларига, жумладан, МДҲ доирасидаги жараёнларга ҳам эътибор қаратилди. Томонлар, шунингдек, муҳим халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олди. Президентлар Ироқдаги вази-

ятни муҳокама қилар экан, ҳарбий ҳаракатлар имкон қадар тез ниҳоясига етиб, мамлакатда демократия тамоилларириш, халқ хўжалигига тикланишиларини амалга ошириш бошлинишининг тарафдори эканлигини билдири.

Утрашувда хавфисизлик бора-сида, яъни барқарорликка таҳдид соладиган халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиди.

Шу билан Украина Президентининг мамлакатимизга амалий ташрифи якунланди. Пойтахт аэропортида олий мартабали мөхмомни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

(ЎЗА)

ЭСКИСИННИГ ЎРНИГА ЯНГИСИ



Жиззах туманинда Э. Йўлдошев номидаги 47-мактаб қалдироғ ўкув масканларидан бири саналади. Зиё масканига 1940 йилда бошланғич мактаб сифатида асос солинган ва унинг тўрттагина синфонаси бўлган. Равот қишлоғида аҳоли сони ўсиб бориши муносабати билан 60-йилларда ҳашар йўли билан яна кўшимча 4 та синфона курилди.

2001-2002 йилнинг баҳори серёғир келгани боис лой кесак ва пахса девордан кўтарилиган мактаб биноси узлуксиз ёғингарчиликларга дош бера олмади. Кулаш арафасига келган мактабда машғулотлар ўтказишнинг ҳам имкони қолмади. Натижада ўқувчилар вақтинча ўқиши учун кўшини 46-мактабда 2-сменада машғулотларни давом эттириди.

Қишлоқ аҳолиси эски мактаб ўрнига янги бино куриб беришни илтимос қилиб тегишли ташкилотларга мурожаат қилгач, Жиззах вилоят ҳокимлиги янги мактаб биноси куришга қарор

қабул қилди. Ва қисқа муддат ичида эски иморат ўрнига барча кулагиларга эга бўлган

замонавий мактаб биноси қад кўтарди. Наврӯз айёми шукуҳи давом этаётган айни кунларда

янги мактаб тантанали равишида ишга туширилди. 11 та кенг ва ёруғ хоналардан иборат синфларда 430 нафар ўкувчи фан сирларини ўрганиши учун барча шарт-шароитлар етарили...

Чорак асрдан бери ёшларга сабоқ бераман, — дейди кекса ўқитувчи Абдуқаюм Хайдалиев. — Тўғриси, қишлоғимизда мана шундай ҳашаматли ва кўркам мактаб биноси қисқа фурсатларда курилади, деб ўйламаган эдим. Энг муҳими, янги мактабда ёшларнинг фан сирларини ўрганиши учун барча шарт-шароитлар етарили...

Айни кунда ўкувчиларга 27 нафар малакали ўқитувчи сабоқ берилмоқда. Вилоят XТБси яқинда мактабга компьютер мажмуаси совға қилишга ваъда берди. Бир сўз билан айтганда, янги мактаб ишга тушган кун билимга чанқоқ ўғил-қизларга бир олам қувонч келтириди.

Абдусаттор СОДИКОВ,
"Маърифат" мухбири

БУ МУЗЕЙДА ДАРС ЎТИШ МУМКИН

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ижтимоий-гуманитар йўналишида дарс берадиган профессор-ўқитувчилар иштирокида музейдаги манбалар асосида тарих фанини ўқитишни такомиллаштиришнинг долзарб вазифаларига бағишиланган «Буок тарихи музей» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Маълумки, яқинда Юрточимиз саъй-ҳаракатлари билан ушбу музейда бутунлай янги, энг ноёб манбалар ве тарихий хужжатлар асосида ўтмиши холосона намойиш эта оладиган, илмий асосланган яхлит янги экспозиция яратилган эди. Сўзга чиқсанлар бу ташаббуснинг амалий аҳамияти хусусида гапирдилар ҳамда мамлакатимиз тарихининг муҳим назарий-методологик масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, ундаги тарихий тараққиёт жараёнлари, воқеа ва ҳодисалар тўғрисида ўкувчи-талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашда Ўзбекистон тарихи давлат музейидаги даврлар бўйича яратилган экспозициялардан дарс жараёнида фойдаланишга эътибор қаратилди.

Йиғилганлар Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихини янги мазмунда ёрқин акс эттирувчи тарихий экспонатлар билан танишдилар. Семинар иштирокчилари бу музейда жонли дарс ўтиш мумкин, деган холосага келишди.

Фаррух БЎТАЕВ,
«Маърифат» мухбири

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ

“Оила” илмий амалий маркази директори Васила Каримова, Маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири Акром Ақмалов ва бошқалар билан юзма-юз мулокот қилинди. Дарава суҳбатида ёшларнинг гиёҳвандлик ва жиноятчилик кучаларига кириб кетиши ва уларнинг олдини олиш борасида ўзаро савол-жавоб ўтказилди. Болани етук инсон қилиб тарбиялаш ва унга миллий қадриятларни сингдиришда асосий оила эгаллаши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
Лазиза НОСИРОВА

Она тилидан ДТС, дастур ва дарсликларнинг концептуал асослари: "Она тили — миллий маънавият ва мафкура, миллий рух, маданият ва қадрияларнинг улкан хазинаси", "Она тили — миллиат тафкуруни шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва ифодаловчи энг асосий восита" жумлаларини ифодалаган дастлабки бандларида миллий тилнинг руҳий кудрати, хусусияти таъкидланади. Шунингдек, она тили таълими концепциясида эса: "Она тили ўқитишнинг асосий максади ўқувчиларда ижодийлик, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантишдан иборат" эканлиги қайд этилади.

Давлат таълим стандартлари талабларини амалга оширишда дарсликлар муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, профессор X.Нематов раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан ДТС асосида яратилган "Она тили" (V-IX синфлар) дарсликлири индуктив усул (кузатиш, таҳлил этиш, умумлашма ҳосил қилиш)да бўлиб, асосан, ўқувчи она тили машгулотларида кўрсатилган топширикларнинг фаол ишловчиси (бажарувчиси), ўқитувчи эса ўқитиш жараёнининг бошқарувчиси сифатида намоён бўлади. Она тили дарсликлидаги ҳар бир топширик ўқувчи томонидан мустақил бажарилишига мослаб тузиленади.

Дарсликлarda назарий маълумотлар амалий машгулотлардан сўнг берилади. Амалий машгулотлар ҳам хилма-хил бўлиб, машқлар, жадваллар, грамматик ўйинлар, луғат ва матн устида ишлаш, мустақил топшириклар бажариш, турли мавзуларда "Топқўлар беллашуви", "Заковат" ўйинларини ўтказишдан иборат. Бу каби ишлар ўқувчиларнинг она тилидан билим-малакаларини оширади, нутқини бойитади, боғланишли нутқини такомиллаштиради, ижодий фикрларни қобилиятини ўтиради.

Педагогик амалиётда фойдаланилаётган Она тили (X.Нематов ва б. 9-синф "Ўқитувчи", Т.: 2002 й.) дарслигига "Кўшма гаплар" мавзусини ўрганишга бағишиланган 68 соатлиги машгулотларнинг 42 соати шу масалага қаратилган. Дарсликлидаги кўшма гапларнинг таснифи фақат бир асос кўшма гап таркибида содда гапларни ўзаро боғлашга хизмат қилувчи воситаларга кўра берилиган. Бу белгига кўра кўшма гап беш турга ажратилди. Содда гапларни кўшма гапга бирлаштирувчи воситалар ўқувчиларга олдинги синф материалларидан таниш бўлганлиги сабабли кўшма гапларни берисцда дарсликлидаги изчиллик билан уларни матндан ажратиши усулидан фойдаланилган. Мъявнайтибиявий аҳамиятiga молни матнлар (асосан, ўзбек тилшунослиги дарғалари ҳаётни ва фаолияти ҳақида) берилиб, ўқувчиларга кўшма гап турларини мустақил равишда ажратиш, уларни гурухлаш топширилди.

Яқинда Тошкент вилояти Пискент туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, она тили таълими бўйича имлий-методик кенгаш аъзоси Марҳабо Курбонова 9-синфа "Кўшма гап" мавзуси юзасидан очик дарс ўтказди. Ушбу очик дарс барча тил-адабиёт ўқитувчиларига, мутахассисларга манзур бўлиб. Кўйда мұхтарам ҳамкасларимиз эътиборига ушбу дарс тафсилотини ҳавола этаётимиз.

1. Маърифий мақсад: Ўқувчиларнинг "Кўшма гап" мавзуси юзасидан олган билимларни текшириш, кенгайтириш, мустаҳкамлаш.

2. Фикрий мақсад: Ўқувчиларни мустақил фикрларни ўз фикрини химоя қилиш ва асослашга ўрганиши.

3. Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларда ҳамкорлиқда ишлай олиш кобилиятини шакллантириш; бир-бираига ўзаро хурмат руҳида тарбиялаш.

Дарснинг шиори: Бамайлихон тир ўйланг, бироқ дадил ҳаракат қилинг, химмат билан ён беринг, аммо қатъият билан қаршилик

кўрсатинг (К. Колтон). Ҳар қандай мушкул иш ақл էгалари туфайли ислоҳ қилинур.

(Аз-Замахшарий).

Одамлар ўқишиндаги тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар.

(Д.Дидро).

Дарс услуги: Мусобака дарси.

Дарснинг жиҳози: Техник во-ситалар: Магнитофон, эпидоскоп, компьютер, IX синф адабиёт дарсликлиги, "Баркамол авлод орзуси" китоби, кўшма гапларга оид тест ва карточкалар.

Ўқитувчи: Бугунги дарснинг мусобака, беллашув дарси бўлади. Биз гурухлар билан ҳамкорлиқда ишлаймиз. 1-гурӯҳ "Зийраклар", 2-гурӯҳ "Зукколар".

Фикримизни жамлаш, тилимизни чархлаш учун "Сўзлар занжири" мусобакасини бошлаймиз.

Зийраклар: Ватан-нон-нафис-суръат-такаллус.

Зукколар: Она-авлод-давлат-

ҳар иккаласини боғлаш учун хизмат қилади.

7. Ҳоким-тобелик муносабати қайси кўшма гаплар учун хос?

— Эргаштирувчи боғловчили кўшма гаплар ва нисбий сўзли кўшма гаплар ҳоким ва тобе гаплардан иборат бўлади.

Ўқитувчи: Баракалла. Саволларга ҳар иккала гурух аъзолари ҳам тўғри ва аниқ жавоб бердилар. Демак, бу гурухларнинг ҳалқалари бўш эмас, аксинча, "Кучли ҳалқа" экан.

Доскага эпидоскоп орқали туширилган кўшма гапларни дикқат билан кузатинг ва унинг турини аниқланг.

1. Вақтинг кетди-нақдинг кетди.

2. Сув борки, ҳаёт бор.

Зийраклар: Биринчи гап оҳанг воситасида боғланган кўшма гап.

Зукколар: Иккинчи гап эргаштирувчи боғловчили кўшма гап.

1. Сен беражи бўлсанг ҳам, аммо мен шафқат қиласман сенга.

4. Кўпчилик қаерда бўлса, сен ҳам шу ерда бўл.

Бу гап кўшма гапнинг қайси турига мансуб?

А. Тенг боғловчили кўшма гап.

В. Оҳанг воситасида боғланган кўшма гап.

С. Берилган гап кўшма гап эмас.

Д. Нисбий сўзли кўшма гап.

Е. Эргаштирувчи боғловчили кўшма гап.

(Тўғри жавоб: С)

5. Эргаштирувчи боғловчили кўшма гаплар таркибида ҳандай гаплар бўлади?

А. Содда гаплар. В. Эргаш гаплар.

С. Бош гаплар. Д. Эргаш гап ва бош гап бўлади.

Е. Боғловчисиз кўшма гаплар.

(Тўғри жавоб: Д)

Натижаларни кўрсак, "Зийраклар" 10 балл, "Зукколар" 8 балл тўплашди. Қолган ўқувчилар бу вақтда матн тузадилар ва ҳар бир гурух матндан намуна ўқиб беради: "Зукколар" гурухи матни: "Юл-

"Зийраклар" жавоби: Эргаш гап.

Ўқитувчи: Биз сиз билан она тилининг "Синтаксис" бўлими юзасидан беллашашмиз. Лекин даврамизга "бегона" сўзлар ҳам кириб келган. Карточкаларга дикқат билан қараб, "бегона" сўзни топинг.

1. Битишив, мослашув, бошқарув, кириш сўз, ундов сўз. ("Бегона" сўз: ундов сўз).

2. Боглама, кесим, эга, ҳол, тўлдириув, ургу. ("Бегона" сўз: ургу).

3. Ёйик гап, атов гап, ҳол, бўғин, аниқловчи. ("Бегона" сўз: бўғин).

4. Уюшик, бўлак, равиш, ўрин ҳоли, изоҳловчи, ийғиқ гап. ("Бегона" сўз: равиш).

Ўқитувчи: "Топагон" баҳсимиз сизга мунтазир.

Берилган бўлакларни шундай улангки, натижада мақол ҳосил бўлсин.

Та ё ган тар лаш
Кал дар бў бир лур
Мок ир

Мақол: Бирлашган дарё бўлур, Тарқалган ирмок бўлур.

1. Бирлашган ўзар, Бирлашмаган тўзар.

2. Бирлашган куч енгилмас.

3. Айрилганни, Бўлингани бўри ер.

4. Бирлашган тоғни талқон қилар.

5. Куч — бирлиқда.
6. Ҳамжиҳатлик — давлат,
Ёғизилек — кулфат.

Ўқитувчи: магнитофон орқали эшиттирилган матнни дикқат билан тинглаб, кўшма гапларни ажратинг.

Азиз ватандошлар!

Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб вояга етказишига интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу мукаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг баҳто саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаётни давомида курашади. Энг мұхими, фарзандлар оиласи ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этиди. Ўзбек оиласи мустабидлик замонидаги ҳам ўзининг тарихан шаклланган қиёфасини йўқотгани йўқ. Улуғ адабимиз Абдула Кодирий ҳақмонларидан бирининг: "Бу хонадондан хеч ким норизо бўлиб кетган эмас", дея айтган гапларидаги элимизга хос катта ҳаётий фалсафа мушассам.

(И.Каримов. "Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори").

Ўқувчилар биринчи гап эргаштирувчи боғловчили кўшма гап эканини айтадилар.

Ўқитувчи: Энди "бош гап мендан, эргаш гап Сиздан" беллашувини бошлаймиз.

Зийраклар: Кўпчилик қаерда бўлса,

Зукколар: Сен ҳам шу ерда бўл.

Зийраклар: Мен бу китобни олдим.

Зукколар: Сиз ўқийсиз деб.

Зийраклар: Йўлчининг қалби кувон билан тўла...

Зийраклар: Чунки Гулнор ёнида эди.

Зийраклар: Унда Ватан туйғуси бўлмайди.

Зукколар: Кимки, ўз она тилини билмаса,

Ўқитувчи: Энди, азиз ўқувчилар, "Заковат" ўйинини бошлаймиз.

Ўйиннинг тартиби куйидагича: Махсус доира бўлиб, у доираларга бўлинган. Доираларга саволлар ёзилган карточкалар кўйилган. Кўрсаткич айлантирилиб, қайси саволда тўхтаса, ўша саволга жавоб берилади.

Ўқувчилар: "Синтаксис" бўйича жамланган саволларга жавоб берадилар.

Ўқитувчи дарсни якунлаб, галиб гурухни аниқлади ва ўқувчиларни баҳолайди.

Ўқитувчи: Бугун илм чўққисидан, Ошдингиз яна бир довон. Элда бор шу бир мақол, "Интилганга толе ёр."

Миннатдорман Сизлардан, Топқир ўғил -қизлардан. Хайр, хушвакт бўлингиз, Кувнаб яйраб юрингиз.

**Очиқ дарсни РТМ методисти
К.СУЛТОНОВА**
кузатди ва баён қилди.

"Сўзлар занжири" кандай ҳосил қилинади?

Sinab ko 'ring

табиат-таносуб.

Зийраклар: Сахий- йўлдош-шарҳ-рамз-заковат.

Зукколар: Борлиқ-қаноат-тазод-дўст-тилшунос.

Ўқитувчи: Яхши. Дарснинг сизлар билан ўрганган "Кўшма гап" мавзусиг

Seminar-trening

"Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал" нақли кимё фани учун ҳам айтилгандек, гёё. Чунки бир қарашда зерикарлидек туоладиган бу фан жозибаси амалиётда бўй кўрсатса, табиий фанларни хуш кўрмайдиган ўқувчи ҳам ўз фикрини ўзгартириши эҳтимолдан холи эмас. Бундай натижага эришиш эса ўқитувчидан анчайин билим ва маҳорат талаб қиласди. Пойтахтнинг Яккасарой туманидаги 118-мактабда бўлиб ўтган семинар-тренинг ҳам шу мақсадни кўзлаб ташкилаштирилди. Умумтаълим мактабларида кимё фанларини ўқитиш бўйича амалий тадбирларни ўтказиш усуллари ва уларнинг самара-дорлигини оширишга доир

КИМЁ ФАНИ ЖОЗИБАСИ АМАЛИЁТДА КЎРИНАДИ

методик хизматни тарғиб этиш масалалари багишланган анжуманда пойтахт туманлари мактабла-

ни такомиллаштириш ўқув йилидир, — дейди ТШХТББ услубчиси Шахриборону Бозорова. — Мактабларда методик хизматлар бир қадар суст кечаттган айни паллаларда

уларда бу фанга қизикиш янада ортади.

Иштирокчиларнинг бир-бирларига кимё дарсларида эгологик билимларни қай даражада кўллай олиши, кимёвий лаборатория ишларидан микрокимёвий тажрибалар ўтказиши, кислород, углерод IV оксида, этилен ва ацетиленнинг олинишини амалий тарзда кўрсатиб бериши анжуманнинг қизиқарли ўтишини таъминлади. Айниқса, кимёвий асбоблар етишмайдиган шароитда кимёвий ҳодисаларни кўрсатиб беришига қаратилган қизиқарли тажрибаларнинг нафойиш қилиниши ўқитувчию мутахассисларни бефарқ қолдирмади. Қатнашчилар мазкур тажрибаларни оммалаштириш хусусида келишиб олдилар.

Шерали НИШОННОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ҚЎШИМЧА МАБЛАГДАН ФОЙДАЛАНСА БЎЛМАЙДИМИ?

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини рўёбга чиқаришнинг асосий шартларидан бири ўқувтарбия жараёнини чукурлаштирилган тартибда амалга ошириш, шу тариқа Ватанга, жамиятга етук кадрлар етказиб бериш ҳисобланади. Аксарият ҳолларда умумтаълим мактабларида чукурлаштирилган синфлар очиши борасида талай муаммолар юзага чиқиб қолаяпти. Яъни биринчидан, чукурлаштирилган синфлар очиши, уларни малакали, тажрибали ўқитувчиларни қўшимча равишида олиб бориляётган машгулотлар учун ойлик маош билан таъминлаш масаласи ҳал этилиши қийин кечаяпти. Иккинчидан, чукурлаштирилган синфлар учун алоҳида моддий база яратишга имкон топиш мушкул бўлаётпир. Кўргазмали ва техник воситалар билан таъминлаш борасида ҳам қийинчилек сезилмоқда.

Мазкур масалаларни хисобга олган ҳолда айрим таълифларимиз билдирамоқчимиз. Маълумки, кўп туманларда туман ҳокимилкларининг бўйруғи асосида умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига оталиқ ташкилотлари биринчириб кўйилган. Ана шу оталиқ ташкилотлари оталиклидаги таълим муассасаларига имкон даражасида таъминлаш масалалари, байрамларни кутиш, ўқувчиларга ҳомийлик кўрсатиш борасида яқиндан кўмак бериб келишилмоқда. Бундай фамхўрликлар таҳсинга сазовор, албатта. Лекин мактаб ва оталиқ ташкилотлари раҳбарлари педагогик кенгашни қарори билан оталиқ ташкилотлари томонидан бериладиган бўйруқлар, қарорлар моҳиятини чукур ўргансалар, муаммолар ечимини топиш мумкин экан.

Балким, педагогик кенгаш қарори билан чукурлаштирилган синфларда дарс бераётган ўқитувчиларга қўшимча тўланадиган маошларни бюджетдан ташқари мафлавлар хисобидан, шунингдек, 15 фоизли мукофот фондидан 0,5 ставкагача тўлаш мумкиндири.

Абдузухур ҚОРАБОЕВ,
журналист

Таҳририятдан:

Дарҳақиқат, муаллиф долзарб мавзуни кўтариб чиқкан. Мутахассисларининг фикрича, ҳар бир мактаб, бофча раҳбарлари юқори ташкилотлар томонидан бериладиган бўйруқлар, қарорлар моҳиятини чукур ўргансалар, муаммолар ечимини топиш мумкин экан.

Дарҳақиқат, муаллиф долзарб мавзуни кўтариб чиқкан. Мутахассисларининг фикрича, ҳар бир мактаб, бофча раҳбарлари юқори ташкилотлар томонидан бериладиган бўйруқлар, қарорлар моҳиятини чукур ўргансалар, муаммолар ечимини топиш мумкин экан.



Кимё — келтирадар дунё. Чилонзор туманидаги 126-мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчisi Шоира Икромова 21 йилдирки, ана шу ҳокиматга амал қилиб, назария ва амалиётни ўйғунаштирган ҳолда ўғил-қизларга дарс берип келаётпир. Муалиманинг назарига, кимё фанини чукур ўйлаштирган ўқувчида ақлий салоҳият юксалган



бўлади. Зоро, кимё фани масалаларини мантиқий фикрлай оладиган ўғил-қизларгина еча оладилар.

Суратда: фудойи муалима Ш.Икромова шогирдларининг янги мавзуни янада чукурроқ ўзлаштиришларини сўзлаб, улар билан биргаликда лаборатория машгулотини ўтказяпти.

Бурхон РИЗО олган суратлар

ФАОЛ ЎҚУВЧИЛАР МАҲАЛЛА ФАХРИ

Ҳамза тумани "Бинокор" маҳалласида сумалак сайли ўтказилди. Маҳалла оқсоқоли А.Абдусаматов, хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Жамолова ташкилотчилигидаги бу тадбир катта байрам тантанасига айланиб тўхталиб ўтишимиз жоиз. Ушбу гуруҳ иштирокчилари томоша қаҳрамонлари учун кийимларни ва қўғирчоқларни ўз қўллари билан тикишади. Қўғирчоқ театри ўйинчоқларни саҳнада жонлантириб ма-



кетди. Маҳалладошларнинг ўюшқоқлиги, намунали оила вакилларининг панд-насиҳатлари мужассамлашган ушбу йигилишда нафақат катталар, балки ўқувчилару кичкинтойлар ҳам бир олам маънавий завқ олишди. Чунки, маҳалладаги "Синфдош" театр гурухи, 206-мактаб ўқувчилари ва "Шахмат" клуби аъзолари қизиқарли томошалар нафойиш қилишди. Айниқса, уларнинг "Қайнар хумча" эртаги асосида тайёрлашга саҳна кўриниши каттаю кичика манзур бўлди. Шу ўринда айнан "Синфдош" театр гурухи фаолияти ҳақида

ҳалла болаларига шодлик улашадилар. Уларнинг маҳалла ободончилиги ва жамоатчилик ишларига ҳавас қилиб яна бир гуруҳ қизлар "Настарин" гуруҳини тузишиди. Ҳозирда улар, бичиши-тикиш билан биргаликда рақс дастурларини ҳам тайёрлашапти. Маҳалламизда ўтказиладиган тадбирлар уларнинг иштироки билан қизгин ўтади. Умуман, фаол ўқувчилар билан бугунги кунда маҳалламиз гузари гавжум масканга айланган.

Рафиқа ЮНУСОВА,
"Бинокор" маҳалла педагог тарбиячиси
Суратда: "Синфдош" театр гурухи аъзолари

"Оқ тулпор" қўшиғи билан яхши танилган Тошпўлат Маткаримов бугунги кунда миллий эстрада йўналишида ижод қилиб, эл ичида ҳурмат-эъзозга сазовор бўлаётган санъаткор.

Унинг қўшиқларида най, гижжак каби миллий мусиқа асбобларимиз жўрлигида яралган оҳанглар бисёр.

Бугунги кунда ижод, изланиш, янги қўшиқ яратиш ишқи билан яшаётган Тошпўлат Маткаримов билан қилган сұхбатимизнинг бош мавзуси ҳам халқона қўшиқларнинг яратилиши, ёшларимиз тинглаётган мусиқа, ўзбек миллий эстрадасининг ўзига хос жиҳатлари хусусида бўлди.

— Тошпўлат ака, газета-мизнинг анъанавий саволи билан сұхбатимизни бошласак. Биринчи борсизга ҳарф танитган, "Алифбе"ни ўргатган ўқитувчингизни эслай оласизми? Унинг қайси хислати хотирангизда сақланиб қолган?

— 1967 йили Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган 101-мактабнинг 1-синфига ўқишига борганим кечагидек эсимда. Менга илк сабоқларни Ширин опа Зоитова исмли муаллим берган. Илк бор мактабга бориб, онам каби меҳрибон аёлнинг қўлига тушганимдан доимо миннатдор бўлиб юраман. У киши эллик ёшларни қоралаб қолган, соchlарига оқ оралаган аёл эди. Муаллимам топширган барча вазифаларни вақтида қилганлигим учун мени хеч қачон урушмаган. Шундай бўлса-да, Ширин опанинг қаттиқўллиги бир умр хотирамда қолган. Биринчи муаллимам ўқимайдиган, вазифаларни бажармайдиган болаларга шунақанги қаттиқ тураг эдики, нима қилиб бўлса-да, албатта болани илим олишга, одобли бўлишга мажбур қиласди. "Ўқисанг ўқи, ўқимасанг, ўзинг биласан" қабилида иш тутмасди. Хозир ўйласам Ширин опа Зоитова ҳар бир болани тўртинчи синфгача интилишга, изланишга, ўз устида ишлашга ўргатиб бўлган экан.

Юқори синфга ўтганимиздан кейин Карим ака Марғозиев, Абдуназар ака Марғозиев, Фотима опа, Хамро опа исмли муаллимлар география, математика, тарих, она тили ва адабиёт каби фанлардан сабоқ беришган. Карим Марғозиев синф раҳбаримиз бўлган. Хамма фанларни ҳам яхши ўзлаштирадиму аммо тарих, адабиёт фанларига жуда қизиқардим. Шунинг учун бу фанлардан доимо аъло баҳолар олардим, шу фан ўқитувчilarини ҳам бошқа муаллимларга қараганда кўпроқ яхши кўрардим. Тарих фанидан амаким Ақбар ака Турсунбоев дарс берган.


4-синфда ўқиётганимизда, биз у пайтларда "Ашула" дарси дердик, "Мусиқа"дан Баҳром ака Сатторов дарс беришини бошлаган. Ана шу киши менга манави нота "до" бўлади, мана бу "солъ калити", деб ўргатган. Хали мактабга бормасимдан аввалроқ санъатга, мусиқага ишқим тушганди. Мендаги

ҳавасни, интилишни, қобилиятни сезиб, ривожлантирган, мустаҳкамлаган биринчи инсон ҳам оддий мактаб ўқитувчиси Баҳром ака Сатторов бўлади.

— **Фарзандларингизни тарбиялашда қўшиқ, умуман сизнинг санъаткорлигингиз ҳам қайси ҳам манода роль ўйнаяптими?**

— Билмадим, лекин фарзандларим менинг юриш-туришимни, кийинишимни, ҳар қандай хатти-ҳаракатимни

Меҳтоноҳона



билан қизиқдингиз?

— Баҳорги таътилдан олдин, ўқитувчилар чораклик баҳолар чиқаришаётган пайтда мактабга бориб, ўғлимнинг синф раҳбари, бошқа фан ўқитувчилари билан гаплашиб келдим. Мен доимо ўқитувчилардан "ўғлимнинг хулқида, билимида қандай

гаплар. Мен доимо яратганинг тақдиридан рози бўлиб юраман.

— Бугунги ёшлар эшитаётган куй-қўшиқларга бўлган муносабатингиз қандай? Нега улар айнан шовқин-суронли, сўзларида маъно бўлмаган қўшиқларни тинглаётган деб ўйлайсиз?

— Авваллари санъаткорлар баъзи ҳолларда битта доира ёки фақат қарсак билан ҳам қўшиқ айтаверганлар. Шундай пайтда одамлар учун тор, рубоб билан чиқиб қўшиқ айтиб берган одам қанака қадрли бўлганлигини тасаввур қила оласизми? Салдан кейин тор ва рубобнинг ёнига аккардеон ва гитара қўшилган. Ботир Зокиров ва "Ялла" гурӯҳи чиққан вақтда эса одамлар ҳайратига яна ҳайрат қўшилган.

Хамма замонларда ва давларда санъаткорнинг тақдирини томошабин ҳал қилган. Бугунги кунда ижод қилаёт-

— Сизнингча, биринчи мусиқа асбоби қайси бўлган?

— Одамнинг танасига жон сурнай наволари орқали киритилган, дейишади. Унинг кўринишлари кўп бўлиши мумкин. Дунёдаги бутун ҳалқлар, элатлар, миллатлар Одам Ато ва Момо Ҳаводан пайдо бўлган-а. Ҳамма ҳалқларнинг мусиқа асбоблари орасида сурнайнинг кўринишлари борми? Бор. Фижжакнинг кўринишлари борми? Бор. Қизик нарсаларда буларнинг ҳаммаси.

— **Мумтоз мусиқаю кўшиқларимизнинг янгила, яъни эстрада йўналишида янграшига муносабатингиз?**

— Бу яхши нарса. Чунки, оҳанг бор, ўша оҳанг ўлмайди. Бор нарса йўқ бўлмаганидек оҳанг ҳам йўқолиб кетмайди, қонимизда юраверади. Устоз санъаткорларимизнинг қўшиқлари айтилди, тўғрими? Улар яна жонланди. Уларнинг қўшиқларида табиилик бор эди. Қўшиқлардаги техник жило кучайди, оранжировка (музиқага сайқал бериш) кучайди. Юқорида айтганимдек, бу қўшиқлар ҳам қулоққа мосланди. Ёшлар ҳам эшитадиган ҳолга келтирилди. У қўшиқлардаги оҳанглар кучаймади, янгилик кириб келмади, фақат техниканинг тараққиётини кўриниб қолди.

— **Қайси ижодкорлар билан ҳамкорлик қиласиз?**

— Барот Исройл, Тўра Сулеймон каби қалами ўткир, сўзи кескир шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қиласман. Лекин кўпроқ шеърларни китоблардан оламан. Азим Суюн, раҳматли Муҳаммад Юсуф, Усмон Азим, Пўлат Мўмин, Нормурод Нарзуллаев, Файрат Мажид сингари шоирларнинг шеърларидан кўп фойдаланганман. Уларнинг ижодидаги ҳалқоналиқ, сўз ўйинлари, нозик қочириларнинг ўз ўрнида ишлатилганлиги яхши қўшиқнинг дунёга келишига сабаби бўлади, деб ўйлайман.

— **"Маърифат" муҳлислирига тилакларингиз.**

— Яқинда бир янги қўшиқни ёзиб тутадим. У:

Инсонга тириклик доим муммо,

Унга ҳамроҳ эрур гоҳ шодлилар, гоҳ гам.

Эрта не бўлишин билмасман аммо,

Тинч ўтган ҳар кунинг байрам-о, байрам,

деб бошланади. Айтмоқчиманки, ҳар бир инсоннинг ҳаёти доимо шодликларга тўлиқ бўлсин. Ҳар бир одамнинг ҳар бир куни тинч ўтсан. Фарзандларимизга таълимтарбия бераётган, уларнинг шўхлиги эркаликларига худди биз— ота-оналаридек кўнишиб яшаётган ҳар бир муаллимнинг жони омон бўлсин.

— **Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат.**

Шарифа МУРОДЖОН қизи сұхбатлашиди.

Тошпўлат МАТКАРИМОВ:

ТИНЧ ЎТГАН ҲАР КУНИНГ БАЙРАМ

шундоқина қўчириб олишга ҳаракат қилишади. Мен қандай китобларни ўқисам, улар ҳам албатта ўша китобларни ўқиб чиқадилар, меҳ қайси кийимни кийисам, улар ҳам худди шунақа кийим кийиб қўриши керак, қанақа гап гапирсан ўшандай гапирмоқчи бўладилар. Жуда қизиқ нарса-да, агар мен турмуш ўртумга қандай муомала қилсан, улар ҳам оналирига шундай муомала қилишга ўтиб оладилар.

Доимо нотўғри иш қилишдан, хато қилишдан чўчиб юраман. Мен шу ишни қилмай, мендан қўриб болаларим ҳам шуни қилиб кўрадилар, деб. Хозир улар учун ибрат оладиган киши менманда.

— **Улар сиздан эл қўзи-даги инсон, санъаткор бўлганингиз учун шундай ибрат оладиларми?**

— Йўқ. Улар оталари бўлганингиз учун шундай киладилар.

— **Фарзандларингиз сизнинг машҳуриларингиздан фойдаланишадими?**

— Йўқ. Ўқитувчилар билан гаплашиб қолсан, фалончи сизнинг ўғлингиз эканлигини яқинда билимиз, дейишади. Мен ўғлининг ўқиши, хулқини тез-тез муалимларидан суриштириб тураман.

— **Сўнгги марта қачон ўғлингизнинг мактабига бориб, унинг ўқишлиари**

ўзгаришлар бўляпти, ўртоқлари кимлар, қанақа гапларни галирятти, вақтида дарсга киряптими, кирмаяптими" деб суриштириб тураман. Бола ким билан ўрток бўлганлигини унинг гап-сўзларидан, юриш-туришидан ҳам билиб олса бўлади.

Болаларимга доимо "билим ол, бирор нарсани ўрган, ҳунарлар бўлгингиз" деб айтишдан чарчамайман. Сабаби, агар сизнинг чўнгатингизда пулингиз бўлса уни кимdir олиб қўйиши мумкин, агар янги уст-бошингиз бўлса у эрта-индинми албатта эскириб, яроқиз ҳолга келиб қолади. Лекин олган илмингиз, ўрганган ҳунарнингиз сиз билан қолади. Илм, ҳунар билан машина ҳам олишингиз мумкин, эл ичида обрў-этиборли бўлишингиз ҳам мумкин. Илму ҳунар туфайли кимгadir бариб керак бўлишингиз аниқ.

— **Кимdir пул, яна ким-дир мансаб, обрў-эти-борсиз, шон-шуҳратсиз яшай олмайман деб хисоблайди. Сиз нимасиз яшай олмайман деб ўйлайсиз?**

— Ҳавосиз яшай олмасам керак(кулади). Ҳаётимни шундай қуришга ҳаракат қиласади, тоқи ҳарсага боғланиб қолмайин, деб. Умрни Оллоҳ беради, хоҳлаған вақтида олиб қўйиши мумкин. Фалонсиз яшай олмайман, пистонсиз менга ҳаёт йўқ деган гаплар ҳавоий

ган хонандаларнинг энг асосий мақсади томошабинни ўзига жалб қилиш. Бунинг учун улар қандай йўллардан боришаётни. Замонавий эстрада деб айтиштанимиз "даранг-дурунг"га зўр бериш билан улар томошабин йигишияти.

— **Мана шундай шовқин-суронга тўла мусиқаларнинг, ёмон қўшиқларнинг кўпайиб кетганингiga томошабиннинг ўзи айбдор демокчимисиз?**

— Афсуски, шундай. Агар талаб бўлса ёмон қўшиқ ҳам, ёмон мусиқа ҳам минг бора таъкидласангиз-да, қаердан бўлса ҳам чиқиб келаверади. Ойна жаҳон эфирга узатмаслиги мумкин, турли тўлқиндаги радиолар бермаслиги мумкин. Лекин овоз ёзиш студиялари деган жойлар бор. Ўша ерда ёзилаверади, ҳамманинг уйида магнитофон, ҳамма ёшларнинг қўлида "плейер" деган нарсалар бор. Барибири эшитаверадилар. Чет элнинг шовқин-суронли мусиқасини эшиташётган боланинг кулоғи ўша нарсаларга ўрганиб бўлди-да. Улар ўзбек миллий қўшиқларини, мақомларини жуда кам эшитаяпти.

Кулок шунақа нарсаки, буғун бирорта чиройли нарса эшитса, эртага у нарсадан ҳайратланмайди, бундан ҳам чиройлироқ, янгироқ нарсани эшитиши керак.

— **Мазмунли сұхбатингиз учун раҳмат.**

Шарифа МУРОДЖОН қизи сұхбатлашиди.

Хар куни газетамизнинг турли бўлимларига келаётган мактублар сизнинг қувончу изтиробларингиздан, ҳамкасларингиз ютуғиу жойлардаги айрим камчиликларга муносабатингидан бизни хабардор этмоқда. Албатта, ҳар бир мактуб синчиклаб ўқиб чиқилади, бўлимларга тарқатилади. Янги педагогик технология асосида ўтилган, мазмунли дарс ишланмалари "Бир соатлик дарс" рукинида бериб борилади. Мактублардаги саволларга жавоб тайёрланади. Фақат айрим дарс ишланмаларидан ўқитувчига услубий ёрдам беролмагани учун фойдалана олмаймиз.

Хоразм вилояти Питнак шаҳридаги Ойбек номидаги 7-мактаб илмий бўлим мудири Комил Бектурдиевнинг мактаб жамоаси номидан юборган мактуби, унда билдирилган таклифларни, албатта, инобатга олиб, оддий қишлоқ мактабарида, жумладан, Хоразмнинг кунчикар дарвозаси хисобланмиш олис қишлоқ мактабида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнлари, ўтказилаётган тадбирлар ҳақида ёзб борамиз. Бунда бизга жамоатчи мухбирларимиз ёрдам беришади, деган умиддамиз.

Яқинда биз тажриба сифатида 1-синф ўқувчилари ўртасида "Конституция — ҳаётимиз қомуси" номли беллашув ўтказдик, — деб ёзди К.Бектурдиев. — Таълим-тарбия олиш жараёнига эндиғина қадам ташлаб келаётган ёш ўқувчиларимизнинг қомусимиз бўйича эгаллаган билимлари, ўз ҳуқук ва бурчларини ҳозирданоқ маълум дараҷада билишлари тадбир иштирокчиларини хурсанд қилди. Ўқувчиларнинг бундай тайёргарликка эришишларида устозлари Ҳ.Давлетова, Н.Алабергановаларнинг меҳнатлари катта.

Андижон вилояти Ҳўжаобод туманидаги 9-мактаб илмий бўлим мудири, ҳалқ таълими аълочиси Неъматой Гаффорова ўз мактубини "Шукрона айтайлик" деб номлабди ва шундай ёзибди:

— Тўғриси, ушбу мақолани аввалроқ ёзмоқчи эдим. Бирок ҳамкасларим: "Ёзманг овора бўласиз, барibir чоп этишмай-

ди, биздайн ҳашар йўли билан мактаб курганлар озми?" — дейиши.

Ҳамкаслари эътирозига қарамай Н.Гаффорова мактуб ёзб тўғри қилибди, ҳеч бир мактуб эътиборсиз қолмайди,

ўкувчилари ҳам маҳалла ишларига кўмаклашадилар. Масалан, январь ойида 130 метрли масоғадан тоза ичимлик суви олиб келинди. Қувурини ётқизиш учун қазиш ишлари, ерни текислашда ўкувчиларингиз хизмати бор.


Шунингдек, А.Саидов мактабда ўтказилган "Сиз маҳаллангизни биласизми?" мавзуидаги тадбир ҳақида хабар ҳам йўлланган.

Бухоро Давлат университети кимё-биология факультети I босқич магистранти Бобур Назаров Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, 1-иктидорли болалар мактаб-интернати директори Тўхтамурод Жумаев ҳақида

Қоракўл ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ўқишига интилишларига сабаб бўлмоқда. Хар ўкув йилида бир ўринга 25 нафар бола хужжат топшириб, синовларда қатнашади.

Мактуб билан танишгач, туман кенгаши депутати, Ўзбекистон математиклари жамияти аъзоси, бир неча дидактик кўлланмалар муаллифи Т.Жумаев каби устозлар борлигидан фахрландик. Ўз ўрнида унинг иш услуби ва тажрибасини республикада оммалаштириш зарур, деган хulosага келдик.

«Ma'rifat»ga maktublar



"Фаҳрий ёрлик" ёки миннатдорлик билдириш ўқитувчи кўнглини тоғдек кўтаради. Рағбат бўлмаган жойда ўз-ўзидан иш унуми бўлмайди. О.Ҳўжаниёзовга ўзи учун эмас, ҳамкаслари учун қайғурган.

Термиз шаҳар 13-мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Дилшода Тўраева юборган мактуб ҳам ўрганишга арзирли хабардир.

"Мактублардан манзаралар" саҳифаси замондошларимизнинг дил изҳорларини ифода қиласи. "Қаерда ҳалоллик бўлса" сарлавҳасидаги мазкур мактублар туркуми мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган турли киши-

ларнинг қалб манзараларидан ташкил топган. Баҳодир Нурумхаммад "Нега шам ёқасиз?" мақоласида мактубларда уюштириладиган баъзи кўнгилочар йигинлар ва уларнинг келажак авлодни тарбиялашда салбий таъсири ҳақида сўз юритади.

Али Вячеслав Полосиннинг "Аллоҳга элтувчи тўғри йўл" ("Прямой путь к Богу") китобидан айрим боблар Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон таржимасида журналнинг "Хидоят топганлар" саҳифасида эълон қилинган. Шунингдек, "Хидоят" журналинг мазкур сонида Муҳаммад Сиддикнинг "Мотам, марҳумни ёдлаш", Муҳаммад Содик Бобурдиннинг "Отангга айтиб бераман" ва бошқа бир қатор одобахлоққа оид мақолалари билан танишасиз.

**Даврон РАЖАБ,
Олий адабиёт курси тингловчиси**

РАНГИН ШЕЪРЛАР ГУЛАСТАСИ

Водий кўплаб шоирларнинг ватани. Бу ердан Бобурдай шоҳ ва шоир, Муҳаммад Юсуфдай оташқалб инсонлар етишиб чиқкан. Улуғ Фулом, Латифжон Алиев, Пўлат Абдуллаевлар эса уларнинг издошлари. Мана шу издошларнинг "Шодлик" деб аталган тўплами нашрдан чиқибди.



тифжон ота Алиевдан юқсан бўлса, ажаб эмас. Пўлат Абдулла ҳам бу инсоннинг сабоқларини кўп эшишган. Аммо ҳар бир ўз йўналишини топган шогирдлардан. Бу тўпламга киритилган шеърлардан ҳам билиниб туради.

Уларнинг орасида айниқса Улуғбекнинг ижоди алоҳида ажralиб туради. Улуғбек ижодкор ўкувчилар республика танловидада 2000-2001 йилларда қатнашиб, устоз шоирлар назарига тушди, танлов совриндори бўлди. Бу голиблик унга ўзгача илҳом бағишилаб, яна-да масулият юклади. Ижод машақатини, изланишларини юрақдан ҳис қилиб, ўз "сўз"ини айтишга интилаётган иқтидорли ижодкорнинг мазкур шеърлари унинг истиқболига умид уйғотади.

Сулаймон МАРДИЕВ

(Давоми.
Боши ўтган сонларда.)

Кимдир биқинидан турғанидан уйғониб кетди. Сантяго қок ўртасыда тұнаган бозор майдонын тонг отиши билан тағин жонланған болаған зәді.

Одатига күра, құйларни күрмөкчи бўлиб аллангларкан Сантиагонинг ўйкиси буткул очилди ва ўзининг янги бир оламда экани ёдига тушди, эслади, бироқ бундан кўнгли чўкмади, аксинча, у баҳтиёр

юмуш кўлидан келмайди. Бир пайтлар унинг дўкони гавжум бўларди, араб савдогарлар, инглиз ва француз геологлар, олмон аскарлари — пулдор одамлар кўп келишарди. Ўшанда биллур савдоси фойданинг кони эди у бойиб кетишига, ёши қайтганда малоҳатлар аёллар кўнглини чароғон этишга умидланарди.

Бироқ замон эврилди, бу билан бақамти шаҳар ҳам ўзгаришларга юз бурди. Танжернинг шундок биқинидаги Сеут тез қад ростлади ва савдонинг авж

"Одамлардан белги-аломатлар ҳақида тез-тез эшиласан, — ўйлади чўпон бола, — бироқ улар да байтишаётган гапларининг фахмига ўзлари боришмайди. Ўзим-чи, ўзим ҳам, манисига бормай неча йил қўйларим билан сўзсиз тилда гаплашиб юрдим-ку".

— Хўш, нима дейсан — тикилинч қилди савдогар. — Менинг дўконимда ишлайсанми?

— Тонг отгунча ҳамма идишларни ювиб тозалайман, — жавоб қилди бўз бола. — Ҳақига

— Шу пайтгача идишларни кўчага олиб чиққанимиз йўқ, — жавоб қилди Савдогар. — Бирораси туртиб юбориб биллурни синдириши мумкин.

— Кўй бокиб юрганимда улардан бирорасини илон чақиб нобуд қилиши мумкин эди. Бироқ, начора, қўйларнинг, чўпонларнинг ҳам ҳаёти шунақа.

Бу пайт Савдогар учта қадаҳ сотиб олаётган харидорга хизмат кўрсатаётган зәди. Хуллас, савдо жонланған, гўё бир пайтлари бўлгани каби, дўкон жойлашган бу тор кўча тағин бутун

Пауло Коэло

АЛКИМЁГАР

эди. Энди қорин ғамида тентираб юрмайди — тўғри ҳазинага йўл олади! Гарчи чўнгагида бир мири бўлмасаям, эртанги кунига ишончи бор, кўнгли тўқ. Кечак оқшом у саргузаштлар ишқибозининг тақдирини ҳавас қандиди, бундай қисматни ўзига танлади: энди у бир пайтлар китобларда ўқиган қаҳрамонлардан бирига айланади.

Бўз бола шошилмасдан қадам ташлаб, бозор майдонининг четидан юрди. Савдогарлар чодирларини оча бошлишганди, у ширинликлар сотадиган бир савдогарга пештахтага, нарсаларини теришга кўмаклашди.

Савдогар хурсанд бўлиб кулди; у ўз ҳаётидан мамнун, нима учун яшайтганини билар ва янги иш кунини хуш кайфият билан қаршилашга ҳозирланадиган зәди. Унинг кулгиси бўз болага қарияни — сөхрли подшоҳ Мулксидкни эслатди.

"Бу савдогар дунё кезиш ёки мовутчининг қизига уйланиш учун ширинликлар пиширмайди. Бу шунчаки унинг кўнглидаги машғулоти, шу иш унга ёқади", — деб ўйлади бўз бола ва бир қарашда ҳар қандай одамнинг ўз тақдирни Йўлидан қанчалик узоқ ёки унга яқинлигини қариядан ёмонроқ билмаслигини пайқади.

"Бу жуда оддий — наҳотки мен аввал буни тушунмаганман?"

Чодирни тортиб боғлашгандан сўнг қандолатчи унга ёғда пишган биринчи сомсани узатди. Сантяго уни баҳузур еди ва ташаккур билдириб, чодирдан жилди. Кетаётib тўйкусдан чодирни қуришаётганда қандолатчининг арабча гапиргани ва ўзининг испанча жавоб қилгани ёдига тушди, бироқ улар барни бир бир-бирларини тушунишибди-да.

"Демак, сўзларга тобе бўлиб қолмаган тил ҳам бор экан, — ўйлади у. — Мен шу тилда кўйлар билан гаплашардим, мана, энди одам билан гаплашибиша гуруниб кўрдим".

"Ҳаммаси бир бутун, яхлит", деган зәди Қария.

Сантяго белгиларни кўздан кочирмаслик учун Танжернинг тантр кўчаларидан шошилмай юришга қарор қандиди. Бу сабр-қаноатни талаб этади, бироқ сабр-қаноат шундай эзгу неъматки, ҳар қандай чўпон дастлаб ана шабонки олади.

"Ҳаммаси бир бутун, яхлит", — Мулксидкни сўзлари тағин ёдига тушди.

Биллур буюмлар сотувчи савдогар янги куннинг бошлинишини кузата туриб, эрталабданоқ унинг кўнглини чўқтирадиган одатдаги фам-ташвишдан оғринди. У тик тушган тор кўчадаги харидорлар онда-сонда бош сукадиган дўконида, қарийб ўйттиз йилдан бери ўтиради. Ҳаётида бирор-бир ўзгариши қилишга энди кеч; биллур идишларни сотишдан бўлак

нуктаси ўша тарафга кўди. Ён атрофидаги савдогар-қўшилар ҳар қайси ҳар ёкка равона бўлишиди, бу тор кўчада саноқлигина дўкончалар қолди ва деярли ҳеч ким уларга бош сўқайди, бу жойга қадам босмайди.

Бироқ ҳар нима бўлганда ҳам, биллур идиш сотувчи бу савдогарнинг энди бўлари бўлиб, бўёғи сингган зәди. Ўттиз йил у биллур олиб сотиш билан машғул бўлди, энди ёши бир жойга борганда ҳаётини ўзгартиришга кеч.

Чошгоҳчага савдогар ундан бунда ўтганларни кузатиб ўтиради. Кўп йиллар шу зайлда ўтирганидан бу тантр кўчадан кимнинг қай маҳалда ўтиши унга ёд бўлиб кетган. Бироқ тушлика бир неча дақиқа қолганда дўконнинг пештахтаси ортида бир навқирон муҳожир пайдо бўлди. Танжер билан Миср ораси — минглаб километр саҳро.

Бир дақиқа оғир жимлик чўқди, гўё бутун шаҳар уйқуга чўмгандай бўлди. Бозорлар, ўз молини мактаб ётган савдогарлар, минорага чиқиб азон айтиётган қишилару, дастаси ҳашамли қиличлар — бари ғойиб бўлди. Умид ва саргузаштлар иштиёқи, кекса подшоҳ ва ўз Йўли, ҳазина ва эхромлар ўз-ўзидан йўқолди-йтди. Дунёни ўйлик сукунат ўз забтига олди. Чунки Сантиагонинг руҳи таоммуб чўкиб кетган зәди. У на оғриқни, на азобни ва на ағусус-надоматни ҳис этар, нигоҳи эмакхонанинг очиқ ўшигига қараб қотиб қолган ва фақат жуда-жуда ўлгиси келар, ҳаммаси ҳозирнинг ўзидаёт бўтул.

Савдогар унга қараб қошини керди — эрталаб, ҳалигина бу бола қувноқ кўриниб зәди. Энди қовоғидан көр ёғаяти: қувноқлигидан асар ҳам қолмади.

— Мен сенга, ўғлим, ватаннинг етиб олишинг учун етадиган пул берса оларман, — деди савдогар.

Бўз бола индамади. Кейин ўрнидан турди, кийимларини тортиб тўғрилади ва тўрvasини кўлига олди.

— Мен дўконингизда қолиб ўшилмай, — деди у.

Ба бироқ сукут сақлаб, кўшиб кўйди:

— Менга пул керак, тўрт-бешта қўй сотиб олишим учун.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Сантяго қарийб бир ой дўконда ишлади, бироқ янги иш айни унинг кўнглидагидай зәди, деб бўлмасди. Биллур буюмлар сотувчи савдогар кун бўйи дўкон пештахтаси ортида ўтиради ва бўз болага идишларга эхтиёт бўлишини тайинлаб тинимсиз тўнгилларди.

Шунга қарамай ишдан бўшаб кетишига мажбур бўлгани йўқ, чунки Савдогар, вайсакилигига қарамай, ҳалол ва вайдасида турдиган киши зәди: Сантиаго ҳар бир сотилган идишдан шириккома олар ва ҳатто озигина пул ҳам жамгаранди. Бир куни эрталаб у топган-тутганини санаб чамалади, агар ҳозиргидай ишлаб турса, бир йилдан кейинги на тўрт-бешта қўй сотиб олишга курби етар экан.

— Пештахтани ташқарига чиқиб, идишларни шунга териб кўйсак яхши бўлади, — деди у хўжайнинг. — Уни дўконнинг эшиги олдига қўярдик, ўтган-кетганинг кўзи тушади.

шашардан одамларни ўзига оҳанрабодай торта бошлиғанди.

— Ишлар ёмонмас, — деди у харидор чиқиб кетгач. — Ҳозир мен яхши даромад қилаяпман, насиб этса сенга яқин-орада бир отар кўй сотиб олишингга етадиган пул бераман. Хўш, сенга нима етмайди ўзи? Борига қаноат қилмай, беш кўлни оғизга тикишга ҳожат борми?

— Бор, белгиларга қараб қадам ташлаш керак, — беихтиёр оғиздан чиқиб кетди бўз болланинг ва шу лаҳзадаёт у айтиган гапига афсусланди: ахир, бу савдогар ҳеч қаҷон сеҳрли кариини учратмаган-ку.

“Буни Ҳайрли Ибтидо дейдилар, — қариянинг гапи унинг ёдига тушди. — Янги иш бошлиғанларга омад ёр бўлади. Зоро, ҳаёт инсоннинг ўз Тақдирни йўлидан боришига хайриҳодидир.

Шу орада ҳўжайн Сантяго айтиган гапни фахмлаб олди. Аёнки, унинг бу дўконга кўйган қадамининг ўзи хайру баракадан беlegi қолди — пул оқиб кела бошлиди ва Савдогар бу испан болани ёллаганига ҳеч ҳам пушаймон бўлмади. Гарчи қилаётган меҳнатига кутганидан кўра даромад олаётган эсада, Савдогар ишлари бу қадар юришини ўйламай турбиди: бироқ йўз болага бинойидай ҳақ тўлашни тақлиф қилганди. Бола яқин-орада қоладигандай туюлди унга.

— Эҳромлар сенга нима учун зарур бўлиб қолди? — сўради у мавзуни ўзгаришири мақсадиди.

— Менга улар ҳакида жуда кўп гапириб беришган, — жавоб қилди Сантиаго.

Ҳазина энди аламли хотира гапни боис, бўз бола бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилиди, шу боис хўжайнинг кўрган тушини айтиб ўтиради.

— Умримда биринчи марта эҳромларни ўз кўзи билан кўриши учун саҳрони кезиб ўтишига чоғланган одамни кўриб турдим. Эҳром дегани — бу шунчаки бир сангзор-ку. Ўзинг ҳам ҳовлингда буни курсанг бўлади.

— Бундан чиқиб, сизнинг турор марта узок бегона юртлар кирмаган экан, — деди унинг турорларни туртириб, бироқ савдони ҳеч кимга ишонломадим, чунки мен сотадиган буюмлар жуда нозик.

Ва ҳар куни ҳаж сафарига отланганларга кўзим тушади, уларнинг орасида бадавлатлари бор — ўнлаб хизматкорларибо бутун бир тур карвони уларни кузатиб боради, бироқ йўл олганларнинг кўпчилиги мендан кўра камбағал бандалар. Мен уларнинг нечоғли хушбахт бўлиб қайтиб қелишганини ва ўйларининг эшигига Маккага ҳажга боришидан дарак берадиган белг қўйишганини ҳам кўрганман. Уларнинг бири, эски пояфзалларни ямайдиган этикдўз менга саҳрова бир йил йўл юрдик, бироқ Танжерда қўшини маҳаллага кўн олгани борганимда чарчаб колардим, ҳаж сафарида ҳечам толиқмадим, деб айтиди.

— Нега ҳозироқ тўғри Маккага йўл олмайсиз? — сўради Сантиаго.


— Чунки мен ҳаж сафари умиди билан тирикман. Бўлмаса, мен иккى томчи сувдай мана шу якранг, зерикарли кунларга, буюмларим териб қўйилган бу ўлик жононларга, ҳар куни қатнайдиган ўша кир-чир эмакхонага — шу турш-турмушга чидай олармидим. Кўрқаман, насиб этиб умид-орзум рўёбга чиқкудай бўлса, ундан кейин ҳаётда таяниб яшайдиган бошқа илинжим қолмайди. Сен эса бошқачасан, менга ўшамайсан, ўз орзу-ниятингга етишиёкинг зўр. Менинг фақат Маккага ҳаёли билан яшагим бор. Саҳрони кезиб ўтишим, мукаддас тош турган майдонга бориши, унинг теварагини етти бор айлангач, тавоф олишимни минглаб марта кўз олдимга келтирғанман. Бироқ кўрқаман, умидсиз бўлиб қолишдан, шунинг учун орзу-ниятимдан айрилиб қолмай деймад.

Шу куни у Сантиагога дўкон ташқарисида янги пештахта ташлашга рухсат берди. Ҳамма бир хилда орзу қилиб, бир хил туш кўрмайди.

(Давоми бор)

Аҳмад ОТАБОЕВ
таржимаси


ПЕТЕРБУРГДА САММИТ БОШЛАНАДИ



Бугун Санкт-Петербург шаҳрида Россия, Франция, Германия давлатлари раҳбарлари иштирокида саммит бўлиб ўтади. Шунингдек, унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Буш котиби Кофи Аннаннинг ҳам иштирок этиши кутилмоқда. Учрашув чогида президентлар Владимир Путин, Жак Ширак, канцлер Герхард Шрёдер ва Буш котиб Кофи Аннанлар урушдан сўнг Ироқдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маъмурӣ жабҳаларда тикланиш ишларини амалга ошириш бўйича фикр алмашадилар. Шунингдек, бу жараёнларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тутган роли хусусида ҳам сухбатлашилади.

“КОНКОРД” ПАРВОЗИ ТЎХТАТИЛАДИ

Франциянинг “Air France” ва Буюк Британиянинг “British Airways” компаниялари ноябрь оидан бошлаб товушдан тез учувчи “Конкорд” самолётининг парвози тўхтатилишини маълум қилганлар. 2000 йили Париж яқинидаги бортида йўловчилар бўлган “Конкорд” ҳалоатига учраганидан сўнг, унда учини хоҳловчилар камайб кетган. Ўшанда фожеа туфайли 113 киши ҳалок бўлган эди. Бугун эса “Конкорд” русумли самолётлар Лондоннинг “Хитроу” ва Парижнинг “Шарль де Голль” аэропортларидан Шимолий Америка томон парвоз қилмоқдалар, деба хабар беради “Асосиизитед Пресс” агентлиги.



ГРУЗИН АСКАРЛАРИ ИРОҚКА БОРАДИ



Тбилисининг “Рустави-2” телекомпанияси нинг хабар беришича, Грузия мудофаа вазири Дэвид Тевзадзе 100 нафар ҳарбий хизматчини Ироқка юбориш бўйича хужжатга имзо чеккан. Яқин икки ой ичидаги жўнатиладиган маҳсус гуруҳ ҳарбий инженер ва тиббий хизматчилардан иборат бўлади. Ундан аввалроқ эса мамлакат президен-

ти Эдуард Шеварднадзе жанговор ҳаракатлар ту-

гаганидан сўнг, Ироқдаги тинчликпарвар амали-

ётларда грузин ҳарбийлари иштирок этиши мум-

кинлигини айтган эди, дейилади “Новости” ахбо-


рот маҳкамаси хабарида.

“SARS”НИНГ НАВБАТДАГИ ҚУРБОНИ

Ўтган йилнинг ноябр ойида Хитойнинг Гуандун вилоятида пайдо бўлган ўпка шамоллаши касаллигига ўхаш янги юкумли хасталик туфайли Хитой университетларининг бирида ишлайдиган американлик 52 ёшли ўқитувчи Жеймс Сэлисбери ҳалок бўлди. Касаллик аломатлари кузатилган унинг 6 ёшли ўғли эса шифохонага ётқизилди. Бугун мингдан ошиқ кишиларнинг ўлимига сабабчи бўлган бу касаллик дунёнинг 32 давлатига тарқалишга улгурди. Шунингдек, 2000 дан ортиқ кишилар мазкур хасталик туфайли шифохонага ётқизилди.



“Интернет” тармоқидан олинди.



ри Тикритга кириб боришга тайёрланмоқдалар. Бошланганига уч хафтадан ошироқ вақт бўлган ҳарбий операцияларда Ироқнинг энг кучли республика гвардиячилари жиддий қаршилик кўрсатган бўлғаларда, бугун бирор жода уларнинг ҳатти-ҳаракатини кузатиш қийин. “Жейнс уорлд армис” журнали муҳаррири Чарльз Хейман рес-

эса оғир ва хавфли кунлар ҳали олдинда, деба партизанлар урушига ишора килган ва Сурияни Саддам Хусайн ва унинг тарафдорларига бошлана беришда айлаган. Чунки, Сурияга ўтганлар у ердан бошқа давлатларга ҳам чиқиб кетишлари мумкин. Ироқ турган иттифоқчиларнинг бош вазифаси саналган оммавий кирғин куролларини қидириб топиш ҳамда

САДДАМНИНГ ЎЗИ ҲАМ, ҲАЙКАЛИ ҲАМ ҚУЛАДИ

ёхуд озодликка чиқсан ҳалқ

АҚШ бошчилигидаги иттифоқчилар Саддам Хусайннинг диктаторлик тузумини ҳам, унинг Бағдод марказидаги ҳайкалини ҳам ағдаришга муваффақ бўлганлар. Зоро, бу ҳолат Саддамнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан кулашини англатади. Бугун Ироқнинг аксарият кисми иттифоқчилар назоратига ўтган. Бағдод кўчаларида эса маҳаллий аҳоли ўз озодлигини намойиш этиб, “Оллоҳ биттадир, Саддам эса унинг душманидир”, деба кич-қирғанлар ва унинг портретларини парчалаб ташлаганлар. Ироқнинг БМТдаги вакили Мұхаммад ал-Дури эса ўйин тугади, деба ўз мамлакатида кечаятган жараёнларга баҳо берди ва Саддам Хусайн тузумининг инқизозга учраганингин тан олган биринчи расмий вакил саналди. Нью-Йоркни тарк этиб, Парижга йўл олар экан, ал-Дури ўзининг келгуси режаларни ҳакида бирор гап айтмаган, лекин, Ироқ ҳалқи яқин кунларда осуда ҳаётга ёришади, деба фикр билдирган.

Шимолий Ироқнинг нефть поятьхти Киркүй шархини ҳамда Мосулуни ишғол этган иттифоқчилар эса, айни пайтда Саддам Хусайннинг она шах-публика гвардиячиларининг тутган позициясини ҳавотирили ҳол, деба баҳо-лаган. Чунки уруш бошланишидан аввалроқ Ироқ ҳукумати америкаликлар Бағдодда жиддий қаршиликка учрайдилар, деба айтганди. Бироқ, поятьхтини эгалаш тез ва осон кечди. Шунингдек, ўз авиасиянини ишга солмаган гвардиячилар Евфрат ва Тигр дарёлари қироғоқларида кечган жангларда кўприкларни на портлатиб, на миналаштириб кетганлар. Бу эса қайсирид майнона жумбоқли ҳол саналади.

Хусайннинг ўзи эса яқинлари ва

хукумати аъзолари билан бирга яши-

ринглигидаги иттифоқчиларни ташкил этиши

масаласи билан шуғуланиши бошлаган.

Келгусида Ироқда демократик давлат

барпо этилишини хоҳлаётган оддий иро-

никларга эса Умм-Қаср порти орқали ин-

сонпарварларни ёрдамлари келтирила бош-

ланган.

Баас партияси раҳбарларини, республика гвардиячилари кўмандонларини ва бошқа юқори лавозимли кишиларни хибсга олиш ишлари давом эттирилади. Бу борода марказий кўмандонлик Ироқнинг 55 нафар раҳбарларидан иборат рўйхат тузган.

Дунёнинг 48 давлати томонидан кўллаб-куватланган ҳарбий амалиётларга бошчилик қилаёттган АҚШ эндилидида Ироқнинг янги ҳукуматини ташкил этиши масаласи билан шуғуланиши бошлаган. Келгусида Ироқда демократик давлат барпо этилишини хоҳлаётган оддий иро-

никларга эса Умм-Қаср порти орқали ин-

сонпарварларни ёрдамлари келтирила бош-

ланган.



линзларни ўз бортига олиб, парвоз қилди.

Ой юзига Н.Армстронг билан Э.Олдринлар қадам қўйиб, М.Коллинз эса Ой орбита атрофида учбига юрган асосий кемада қодди. Ойга биринчи бўлиб, астронавт Нейл Армстронг қадам қўйди ва эфирда деди: “Кичик одамнинг қадами, улкан инсоният қадамидир”. Астронавтлар Ой сиртига бир неча илмий аппаратлар, маҳсус телеп-

1961 йилнинг 12 апреди кунини Юрий Гагарин дунёда биринчи бўлиб, фазога парвоз қилди. Буни натижасида коинотдаги бошқа сайёralарни ўрганиш ва улар томон сафар қилиш имкониятлари яратилди.

Ўша даврда АҚШ президенти Жон Кеннеди “Аполлон” дастури учун 25 миллиард доллар маблаг ажратди ва

“Ойга кўниш бу миллий масала бўлиб, жаҳон олдида ўз ўрнимизни

тутган ҳаётдан кўз юмиши бу – бутун Россиянинг оғир келтирилди. Боиси, давлатнинг таълим тизимида қарашли муассасаларда жиддий ноҳуҳо ҳолатлар рўй берди. Аввалига ҳафта бошида Ёкутистоннинг Вильюйс туманидаги Сидибил қишлоғида жойлашган умумтаълим мактабининг ёниб кетиши боиси, 22 нафар ўқувчи ҳалок бўлиб, 40 га яқин ўқувчилар жароҳат олди. Пайшанба кунини эса Махачкала шаҳрининг Хуршило вўзигида жойлашган кар болалар мактаб-интернатида ҳам ёнғин юз берди. Чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси ярим тунда содир бўлган фожеага электр тармоқдаги киска туташув сабаби, деба айтмоқда. Устига-устак ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида дарс ўтиш усули кўллангани, бинонинг асосий кириш эшиги ишламаслиги ҳамда кучли шамол эсиши курбонлар сонининг кўпайишига хизмат килган. Натижада 28 ўқувчи ҳалок бўлиб, 107 нафар ўқувчи шифохонага келтирилган. Ҳозирда уларнинг ҳам 8 нафари оғир ҳолатда.

Хар иккиси ярим тунда содир бўлган фожеага электр тармоқдаги киска туташув сабаби, деба айтмоқда. Устига-устак ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида дарс ўтиш усули кўллангани, бинонинг асосий кириш эшиги ишламаслиги ҳамда кучли шамол эсиши курбонлар сонининг кўпайишига хизмат килган. Натижада 28 ўқувчи ҳалок бўлиб, 107 нафар ўқувчи шифохонага келтирилган. Ҳозирда уларнинг ҳам 8 нафари оғир ҳолатда.

Фожеадан хабар топган Россия президенти Владимир Путин Догистон давлат кенгаши раиси Магомедали

Магомедов билан телефон орқали боғланиб, ўз ҳамдардлигини изҳор этган ва

амалда ишботлашимизга имкон яратади”, — деган эди. 1966 йили Ой томон учувчисиз бошқариладиган “Аполлон-1” учирildi. Кейин уч нафар астронавти билан “Аполлон-8” ва икки астронавти билан “Аполлон-10” космик кемалари парвоз қилди. Бу икки фазо кемаси ҳам масофада айланниб, кейинги “Аполлон” учун кўниш жойини аниқладилар.

Шундай қилиб 1969 йилнинг 21 июл кунини “Аполлон-11” космик кемаси астронавтлар: Нейл Армстронг, Эдбин Олдин ва Майкл Кол-

амералар, лазерли радиотизимида асбобларини ўрнатиб, фазони ўзлаштиришда ҳалок бўлган 5 та космонавтлар: Ю.Гагарин, В.Грисом, В.Комаров, Э.Уайт, Р.Чаффиларнинг эсадлик медалларини ҳам у ерда қолдирдилар. Сўнг 22 кг Ой жинсларидан намуна олиб, 8 суткадан кейин 24 июль кунини асосий космик кемада Тинч океанинг белгиланган жойига кўнди.

Шундай қилиб 1969 йилнинг 21 июл кунини “Аполлон-11” космик кемаси астронавтлар: Нейл Армстронг, Эдбин Олдин ва Майкл Кол-

КЕТМА-КЕТ ЁНҒИНАЛAR

Тугаётган ҳафта Россия учун оғир келди. Боиси, давлатнинг таълим тизимида қарашли муассасаларда жиддий ноҳуҳо ҳолатлар рўй берди. Аввалига ҳафта бошида Ёкутистоннинг Вильюйс туманидаги Сидибил қишлоғида жойлашган умумтаълим мактабининг ёниб кетиши боиси, 22 нафар ўқувчи ҳалок бўлиб, 40 га яқин ўқувчилар жароҳат олди. Пайшанба кунини эса Махачкала шаҳрининг Хуршило вўзигида жойлашган кар болалар мактаб-интернатида ҳам ёнғин юз берди. Чор-

шанбадан пайшанбага ўтар кечаси ярим тунда содир бўлган фожеага электр тармоқдаги киска туташув сабаби, деба айтмоқда. Устига-устак ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида дарс ўтиш усули кўллангани, бинонинг асосий кириш эшиги ишламаслиги ҳамда кучли шамол эсиши курбонлар сонининг кўпайишига хизмат килган. Натижада 28 ўқувчи ҳалок бўлиб, 107 нафар ўқувчи шифохонага келтирилган. Ҳозирда уларнинг ҳам 8 нафари оғир ҳолатда.

Кечада ўқувчиларни ёнғинга сабаб бўлган фожеадан хабар топган Ҳаётдиннинг Сидибил қишлоғида жойлашган кар болалар мактаб-интернатида ҳам ёнғин юз берди. Чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси ярим тунда содир бўлган фожеага электр тармоқдаги киска туташув сабаби, деба айтмоқда. Устига-устак ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида дарс ўтиш усули кўллангани, бинонинг асосий кириш эшиги ишламаслиги ҳамда кучли шамол эсиши курбонлар сонининг кўпайишига хизмат килган. Натижада 28 ўқувчи ҳалок бўлиб, 107 нафар ўқувчи шифохонага келтирилган. Ҳозирда уларнинг ҳам 8 нафари оғир ҳолатда.

Кечада ўқувчиларни ёнғинга сабаб бўлган фожеадан хабар топган Ҳаётдиннинг Сидибил қишлоғида жойлашган кар болалар мактаб-интернатида ҳам ёнғин юз берди. Чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси ярим тунда содир бўлган фожеага электр тармоқдаги киска туташув сабаби, деба айтмоқда. У

КАСБИДАН БАХТ ТОПГАН ИНСОН

Ta 'lim fidoyilar

Маълумки, халқимиз орасида ўзининг бутун умрини ёшавлод таълим-тарбиясидек оғир ва машақатли, аммо савобли ва шарафли ишга бахшида қилиб келаётган инсонлар бисёр. Ана шундай қалби дарё инсонлардан бири пойтахтимиздаги Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежи раҳбари, тажрибали педагог Озод Акбаровдир.

Севимли касбидан баҳт-саодат излаган мураббийнинг ҳаёт йўлларига назар ташласак, у киши ҳамиша юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ўзининг муқаддас бурчига садоқат билан хизмат кўрсатиб келганинг гувоҳи бўламиз. Бундан қарориб ўттиз йил олдин таъ-

лим соҳасига кириб келган Озод аканинг меҳнат фаолияти ушбу давр оралигида биргина Ҳамза қурилиш коллежи билан боғлиқ кечётганлиги эътиборга молиқдир. Шу ўринда доно халқимизнинг "Дараҳт бир жойда кўкаради" деб бежиз айтмаганига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Ҳеч шубҳа йўқки, битта таълим мусасасида 1972 йилдан ўқитувчи, сўнг илмий бўлим мудири, касб-ҳунар таълими бўйича раҳбар мувонини, 1979 йилдан бошлаб эса то бугунги кунга қадар илм даргоҳи директори лавозимида ҳормай ишлаб келаётган Озод aka учун бугунги кунда ўз уйидек бўлиб қолган севимли



масканинг барча қувончу ташвишлари унинг шахсий ҳаёти билан чамбарчас боғланниб кетган.

Устоз кўрган шогирд ҳеч қачон қоқилмайди, деганларидек тажрибали педагог

Озод Акбаровнинг ҳам таълим тизимини такомиллаштириш борасида зарур йўлйўриқлар, қимматли маслаҳатлар берадиган устозлари бор. Бу борада устоз-мураббийнинг таълим соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун республикада хизмат кўрсатган темир йўл ходими, меҳнат фахрийи, 1994 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан юксак мукофот — "Ўзбекистон халқ ўқитувчи" увонига сазовор бўлиши юқоридаги фикримизни исботлайди. 2002 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатлари ўртасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда қўшган кат-

та ҳиссаси учун Россия Федерацияси касб-ҳунар таълими халқаро жамгармасининг А.Небольсин номидаги мукофоти билан ҳам тақдирланганини ўзбекистонлик устоз меҳнатининг халқаро доирада эътирофи деб баҳолаш мумкин.

Айни кунда Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежида ўкув ва тарбия ишларини таъкомиллаштириш, таълим мазмунини бойитиш ва унинг сифат кўрсаткичларини ошириш борасида тинмай меҳнат қилиб келаётган Озод aka раҳбарлигидаги педагогик жамоага куч-гайрат тилаб қоламиз.

Н.УМАРОВ

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО "УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ"

Порядковый номер сообщения - 05

Вид ценных бумаг-акции простые.

Дата принятия решения о выплате дивидендов по акциям - 05.04.2003 г.

Срок выплаты дивидендов - до конца 2003 года.

Орган, принявший решение о выплате дивидендов - общее годовое собрание акционеров.

Размер дивидендов выплачиваемых на одну акцию - 750 сум - 15% от номинала.

Форма выплаты дивидендов - денежные средства.

Порядковый номер сообщения - 09

Вид общего собрания - годовое.

Форма проведения общего собрания - очная.

Дата проведения общего собрания - 05.04.2003 г.

Место проведения общего собрания: г. Ташкент, ул. Джаркурганская, 76.

Кворум общего собрания - 15497 голосующих акций или 77,5%.

Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним:

1. Отчет Наблюдательного совета - утвердить. "За" - 15497 голосов, "против" и "воздержавшихся" -нет.

Отчет Председателя Правления - утвердить. "За" - 15497 голосов, "против" и "воздержавшихся" -нет.

2. Отчет ревизионной комиссии - утвердить. "За" - 15497 голосов, "против" и "воздержавшихся" -нет.

3. Утверждение аудиторской проверки - утвердить. "За" - 15497 голосов, "против" и "воздержавшихся" -нет.

4. Утверждение бухгалтерского баланса за 2002 год - утвердить. "За" - 15497 голосов, "против" и "воздержавшихся" -нет.

5. Утверждение и распределение прибыли. О дивидендах за 2002 год. Распределение прибыли, размер дивидендов на одну акцию - 750 сум, порядок выплаты и срок - до конца 2003 года - утвердить. "За" - 15497 голосов, "против" и "воздержавшихся" -нет.

6. Утверждение бизнес-плана на 2003 год - утвердить. "За" - 15497 голосов, "против" и "воздержавшихся" -нет.

7. Принятие решения о продлении на 2003 год договора найма с председателем Правления ОАО "Узэлектромонтаж".

Принято решение: признать работу председателя Правления удовлетворительной и продлить полномочия председателя Правления Кучкарова Н.И. сроком на один год. "За" - 15497 голосов, "против" и "воздержавшихся" -нет.

8. Перевыборы членов наблюдательного совета и ревизионной комиссии. Коммюлятивным голосованием избран наблюдательный совет в следующем составе:

- | | |
|-------------------|------------------------|
| 1. Давыдов Г.М. | - "За" - 16827 голосов |
| 2. Исаев А.Н. | - "За" - 10667 голосов |
| 3. Исковских И.П. | - "За" - 11708 голосов |
| 4. Мирисаев У.С. | - "За" - 15357 голосов |

- | | |
|--------------------|------------------------|
| 5. Нигматулин Р.А. | - "За" - 15557 голосов |
| 6. Рябов Ю.Я. | - "За" - 15454 голосов |
| 7. Таняев Г.С. | - "За" - 15946 голосов |

- | | |
|----------------------|------------------------|
| 8. Худайбердыев Б.Н. | - "За" - 15283 голосов |
|----------------------|------------------------|

- | | |
|--------------|------------------------|
| 9. Яшин Н.П. | - "За" - 15262 голосов |
|--------------|------------------------|

9. Утверждение сметы расходов на 2003 год - утвердить. "За" - 15497 голосов, "против" и "воздержавшихся" -нет.

Порядковый номер сообщения - 10

Орган управления эмитента, в котором произошли изменения-Наблюдательный совет.

Ф.И.О.членов Наблюдательного совета и доля в уставном фонде эмитента:

- | | |
|---------------------------------------|----------|
| 1. Давыдов Геннадий Маркович | - 0,62% |
| 2. Исаев Анатолий Нигматович | - 0,49% |
| 3. Исковских Ирина Петровна | - 0,22 % |
| 4. Мирисаев Ульяс Сагдуллаевич | - 0,035% |
| 5. Нигматулин Раис Ахкамович | - 0,025% |
| 6. Рябов Юрий Яковлевич | - 0,025% |
| 7. Таняев Геннадий Сергеевич | - 0,49% |
| 8. Худайбердиев Бахтиер Нормахматович | - 0,09% |
| 9. Яшин Николай Петрович | - 0,21% |

Полномочия нижеследующих лиц прекращены:

- | | |
|----------------|--------------------------------|
| 1. Аношин Н.Д. | - член Наблюдательного совета. |
|----------------|--------------------------------|

- | | |
|------------------|--------------------------------|
| 2. Филиппов И.В. | - член Наблюдательного совета. |
|------------------|--------------------------------|

Дата, на которую произошли указанные изменения - 05.04.2003 г.

Полномочный орган, принявший решения, являющееся основанием указанных изменений и дата его принятия - общее собрание акционеров от 05.04.2003 года.

Список аффилированных лиц:

- | |
|--|
| 1. Члены Наблюдательного совета с указанием доли в уставном фонде: Давыдов Г.М. - 0,62%, Исаев А.Н. - 0,49%, Исковских И.П. - 0,22%, Мирисаев У.С. - 0,035%, Нигматулин Р.А. - 0,025%, Рябов Ю.Я. - 0,025%, Таняев Г.С. - 0,49%, Худайбердиев Г.Н. - 0,09%, Яшин Н.П. - 0,21%. |
|--|

- | |
|---|
| 2. Кучкаров Н.И. - Председатель правления |
|---|

- | |
|---------------------------------|
| ОАО "Узэлектромонтаж" - 0,275%, |
|---------------------------------|

- | |
|---|
| 3. Филиппов И.В. - Генеральный директор |
|---|

- | |
|---------------------|
| УРСП "NVA" - 31,95% |
|---------------------|



ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

кўлга киритиши. Оқдарёликлар иккинчи, Каттақўргон шахри ҳамда Самарқанд тумани жамоалари учини ўринни банд этдилар.

Кизиқарли ва шиддатли кечган футбол баҳсларида жамоалар тўрт гурухга бўлиниб тўп сурдилар.

Натижада Оқдарё, Жомбой, Пайарик, Темирйўл туманларининг терма жамоалари барча рақибларидан устун келиб, биринчи ўринни эгаллаб, ярим финал мусобақаларига йўлланмана олдилар.

Ярим финал йўнинларида эса Темирйўл тумани жамоаси оқдарёликларни 1:0 ҳисобида, Жомбой тумани вакиллари Пайарик тумани жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб финалга йўлланмана олиши. Зўрин учун оқдарёлик ва пай-

рикликлар ўртасида кечган ўйин 1:0 ҳисобида оқдарёликлар фойдасига ҳал бўлди.

Финалда эса 3:1 натижада билан Темирйўл тумани жамоаси голиб бўлди.

Колган турлар бўйича ҳам галиблар аниқланди. Мусобақаларнинг ёпиши маросимида вилоят ҳалқ таълими бошқармаси бошлиги Маҳмуд Бобоёров иштирок этиб, ўтказилган спорт турлари бўйича голиб ва совриндорларни тақдирлади. Туман, шахар терма жамоалари сафидан энг иқтидорлилари танлаб олиниб, Хоразм вилоятида бўладиган Республика Финал босқичида иштирок этиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

М.АХМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат
курсатган спорт устози



Жиззах вилояти ўтамаксус ва касб-хунар таълим тизими ўқув юртларида спортнинг 14 тури

КУЧЛИЛАР – ФИНАЛДА

бўйича "Баркамол авлод" спорт йўнинларининг вилоят босқичи ниҳоясига етди. Беллашувларда Жиззах олимпия заҳиралари коллежи йигит - қизларига тенг келадиган рақиб топилмади. Бугунги кунда кўплаб ҳалқаро мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритаётган жамоанинг ўш спорчилари бу борада катта куч ва имкониятга эга эканликларини яна бир бор намойиш этиши.

рол тиббиёт, Жиззах енгил саноат, Жиззах транспорт ва алоқа коллежи ёшлиари ҳам совринли ўринларни қўлга киритиши.

Айни кунда Андижон шаҳрида бўладиган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг Республика Финал босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилалини терма жамоа тўлашакланиб бўлди.

А.СОДИКОВ,
"Маърифат" мухбири

НАВБАТ – АСОСИЙ БЕЛЛАШУВЛАРГА

Мактаб ўкувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт йўнинларининг Жиззах вилоятидаги финал босқичи ниҳоясига етди. 8-11-синф ўкувчилари ўртасидаги спортнинг 12 тури бўйича ўтказилган мусобақаларда Жиззах шахрининг мактаб ўкувчилари асосий совринларни қўлга киритиши. Улар баскетбол (қизлар), кураш, катта теннис, футбол, шахмат, енгил атлетика бўйича 1-ўринни ётальди. Пахтакор, Жиззах, Дўстлик

тумани спорчилари ҳам совринли ўринларни қўлга киритиши.

Айни кунда Хоразмда бўладиган Республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилалини терма жамоалар тўлиқ шакланиб бўлди. Энди навбат асосий беллашувларга. Довюрак, абжир ва чакқон спорчиларга омад кулиб бокиши, шубҳасиз. Ким нимага қодирлигини Хоразмда кўрсатиш имкони келди.

А.СОДИКОВ

ИМКОНИЯТ ЙЎҚОТИЛГАНИ ЙЎҚ

Авжи баҳор палласида футбол ишқибозлари зерикиб қолишияпти. Чунки Осиё ва Европа чемпионлари лигалирининг ярим ва чорак финал учрашувлари бунга имкон қолдирмаёт. Тугаётган ҳафтада ўтказилган мазкур беллашувларниң қайсицир жамоани мусобақадан тўлиқ чиқариб юбора олмагани эса мухлисларни жавоб учрашувларигача ҳаяжонда ушлаб туриши аниқ. Негаки, Осиё чемпионлари лигасида иштирок этаётган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси ҳам гарчи Таиландда маҳаллий "Бек Теро Сасана" жамоасидан 1:3 ҳисобида мағлуб бўлган эса-да, ҳали имкониятни йўқотгани йўқ. Чунки "Пахтакор"нинг ўз майдонида ҳар қандай

жамоага қарши кучли ўйин намойиш эта олиши шундай дейишишимизга асос бўлади. Лекин "Бек Теро Сасана"да ҳам кучли ижроҷилар борлигини эътибордан соқит қиласмаслик лозим. Нима бўлганда ҳам, севимли жамоамизнинг таиландликлар билан бўладиган жавоб учрашувда баҳор ҳавосидек бекарорликни кўрмайлик.

Шунингдек, ОЧЛнинг яна бир ярим финал учрашувда БААда "Ал Айн" – "Далян Шайде" жамоаларида ўртасида ўтказилиб, унда араб жамоаси хитойликлардан 4:2 ҳисобида устун келди.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР

20:14 ҳисобида ғалаба қозонган "Қиёт" жамоаси аъзолари ярим финалда чемпионлик учун беллашувда қатнашадилар.

Яна бир чорак финал учрашувда Хоразм вилоятининг Хива туманиндағи 10-ўрта мактабнинг "Фируз" ва Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманиндағи 116-мактабнинг "Ниҳол" жамоалари майдонга тушиши.

Дастурнинг биринчи ўйинида ("Тўпни дарвозага уриш") ҳар жамоадан 12 нафар ўсмир умбалоқ ошиб тик ўрнатилган кўш чамбаракдан айланниб ўтгач, тўсиқдан сакраб ўтиб, тўпни дарвозага йўллашда маҳоратларини кўрсатиши ва "Ниҳол" жамоаси аъзолари чақон ва аниқ ҳаракат қилиб, 3 очкони қўлга киритди. Иккинчи мусобақада ("Тўп сардорга") пойтахтилик ўкувчиларнинг қўли баланд келди.

Бирорк, "Фируз" жамоаси чорак финал ўйинида ютуққа эришиш учун астойдил ҳаракат қилган бўлса ҳам, бирорта ғалабага эришолмади.

Хуллас, беллашувда 25-10 ҳисобида ғалаба қозонган "Ниҳол" ярим финалга чиқди.


F.МАННОПОВ

БОЛАЖОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтилизнинг А.Икромов туманиндағи 604-богчада ўтказилган спорт мусобақаси байрамга айланниб кетди. Бониси, 700 га яқин 7 ёшгача бўлган болалар ўртасида спортнинг у-шу, каратэ, кикбоксинг, таэквандо турлари бўйича ўтказилган мусобақаларга қўшимча рашишда ўзбек кураши, велопойга, арқон тортиш, варрак учирши каби беллашувлар ҳам ташкил этилиб, уларда ҳам болажонлар анча яйраши. Голиблар эса туман ҳалқ таълими бўлими соғвалари билан тақдирланиши.

«РЕАЛ» ЭНГ КУЧЛИ ЖАМОА

Европа чемпионлар лигасининг чорак финал учрашувларида «Манчестер



Юнайтед» клуби «Реал» клубига 1:3 ҳисобда имкониятни бой бериб қўйганидан сўнг, «Манчестер» мураббийиси Алекс Фергюсон ўз жамоаси дарвозасига икки бор гол урган Раулни дунёдаги энг кучли ўйинчи, дея атади. Ҳақиқатан ҳам Раул шу куни ўз имкониятларини тўлиқ намойиш этган эди. Таркибида Зинедин Зидан, Луиш Фигу, Роналдо каби ўйинчилар бўлган

«Реал» бугун футбол мутахассислари наздида энг кучли жамоа саналмоқда.

Шунингдек, Чемпионлар лигасининг бошқа учрашувларида қўйидаги натижалар кузатилди: «Аякс» – «Милан» 0:0, «Валенсия» – «Интер» 0:1, «Ювентус» – «Барселона» 1:1.

«ПОРТУ»НИНГ ЙИРИК ФАЛАБАСИ

UEFA кубоги доирасида ўз уйида учрашув ўтказган Португалиянинг «Порту» клуби Италиянига «Лацио» клуби устидан 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди. «Анташ» стадионида кечган учрашувда меҳмонлар биринчи бўлиб ҳисобни очишига муваффақ бўлган бўлса-да, лекин португалларнинг кетма-кет ҳужумлари йирик ҳисобдаги ғалаба билан якунланди. Жавоб учрашуви эса 24 апрель куни Римда ўтказилади.

МУСОБАҚАДА – УСТОЗЛАР

Қашқадарё вилояти Қамаши туман ХТБ мактабларининг ўқитувчилари ўртасида "Обод маҳалла йили"га багишланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

300 нафардан ортиқ ўқитувчилар Ҳ.Олимжон номли мактабнинг спорт майдонида мини футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича мусобақалашдилар.

Муросасиз кечган баҳсоларда мини футболдан I ўрин Чўлпон номидаги мактаб ўқитувчиларига, II ўрин Атоий номидаги мактаб ўқитувчиларига, III ўрин Ш.Жониев номидаги мактаб ўқитувчиларига насиб қилди. Шахмат мусобақаларида I ўрин 14-мактаб, II ўрин 2-сонли

ихтинослаштирилган мактаб, III ўрин А.Гаёмур номли мактаб ўқитувчиларига; шашқадан I ўрин 72-сонли мактаб, II ўрин 17-сонли мактаб, III ўрин 22-мактаб ўқитувчиларига насиб этди.

Голиб бўлган ва фаол иштирок этган ўқитувчиларга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қамаши туман қўмитасининг фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо соввалари топширилди.

Сайдкул ТЎЛАНОВ,
Туман ХТБ методика
хонаси услубчиси

